



Сурхандарёлик эркчилар эса ҳали ҳам бедарак”, деди Эрк партияси раиси Муҳаммад Солиҳ.

Муҳолифат лидерининг айтишича, Тошкентдаги тадбирга чақирилган эркчиларнинг уйлари бир кун аввал ҳуқуқ-тартибот

Суҳбатдошимизнинг айтишича, делегатларни пойтахтга олиб келиши керак бўлган партия фаолларидан шахсий машиналари олиб кўйилган. Тошкентда ўтказилиши белгиланган курултой манзилига етиб борган гуруҳ раҳбарларидан бири ҳозирги вазиятда жуда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш керак, дея фикр билдирди.

“Бу курултойга жуда пухта тайёрлангандик. Хавфсизлик чоралари ҳам кўрилганди.

Чунки, исталган вақтда кўнгилсиз воқеа бўлиши, ҳатто курултойимизни ўтказишга кескин тўсиқлар бўлиши мумкинлиги ҳам назарга олинган эди.

ТОШКЕНТДА “ЭРК” ПАРТИЯСИ КУРУЛТОЙИ ЎТКАЗИЛИШИГА ЙЎЛ БЕРИЛМАДИ

Ўзбекистон “ЭРК” демократик партиясининг 3 декабр кунига белгиланган курултойида қатнашиш учун Сурхандарё ва Тошкент вилоятларидан йўлга чиққан делегация пойтахтга етиб келмади. Партия раҳбари Муҳаммад Солиҳ Озодлик билан суҳбатда “ЭРК” аъзолари ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан ушланиб номаълум жойда сақлаб турилгани тахмин қилинаётганини айтди. Кворум тўпланмагани сабабли “ЭРК” курултой бекор қилинди.

Ўзбекистон “Эрк” демократик партиясининг 6-курултойи шу йилнинг 3 декабр куни Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган эди.

Тошкент тадбирига вилоятлардан 100 делегат чақирилди.

Бирок, ҳуқуқ-тартибот ва хавфсизлик идоралари ходимларининг қаттиқ назоратига олинган эркчилар навбатдаги курултойини ўтказишга олмади. Вилоятлардан Тошкентга йўл олган делегатлардан бир нечтаси дараксиз йўқолди.

Бу борада партия раиси Муҳаммад Солиҳ билдирди.

“Бу курултойга биз аввалгиларидан фарқли ўлароқ жуда яширин тайёрлангандик. Чунки, ҳукуматнинг партиямизга нисбатан жуда ҳассос ҳаракатларини тажрибада кўриб келаяпмиз.

Лекин шунга қарамай, бугун Тошкентда ўтказилиши режага олинган курултой бўлмади. Унинг устига Сурхандарё вилоятидан йўлга чиққан 15 делегат бедарак йўқолди. Самарқанддан 15 одам келиши керак эди, уларни топдик.

идоралари ходимлари томонидан ўраб олиниб, Ички ишлар вазирлиги ходимлари улардан баъзиларининг уйларига кириб борган.

Тошкентда курултой белгиланган 3 декабр куни милиция ва хавфсизлик ходимлари таъкибига учраган эркчилардан бири қуйидагиларни маълум қилди.

“Эрталаб уйимга Ички ишлар вазирлигининг икки ходими кириб келишди, мен билан дўстона суҳбат қилиш учун. Бирга чой ичдик, сўнгра улар кетишди.

Хавотирландим ва кўчага чиқиб атрофни кузатдим: уйим уч томондан енгил машиналар билан ўраб олинган эди.

Ҳар бир машинада ўтирган иккитадан кузатувчи мендан кўзларини узмай кузатиб туришарди”, дер экан исми сир қолишини сўраган самарқандлик эркчи, ўша кунги таъкиб туфайли Тошкентга бориш у ёқдан турсин уйдан ҳам чиқа олмаганини кўшиб қўйди.

Ва ниҳоят ҳукумат партия курултойини ўтказишга имконият бермади. Улар бунинг учун ташқарига сизиб чиқаётган ҳар қандай маълумотдан фойдаланишди. Аммо биз ишимизни давом эттирамиз ва ҳаммаси яхши бўлишига ишонамиз.

Лекин ҳозирги вазиятда жуда эҳтиёткор ва хушёр бўлишимиз лозим”, дейди Марказий Кенгашнинг исми ошкор қилинмаслигини сўраган фаолларидан бири.

Ўзбек муҳолифат лидери Муҳаммад Солиҳ курултой бошқа куни бўлса-да албатта ўтказилажагини таъкидлади.

“Ҳозир жуда қизиқиш бор “Эрк” партиясига, ўша ветеран азоларимиз жонланди, Худога шукур.

Ўшанга ҳам махфий хизматлар бутун куч билан тадбирнинг ўтказилишига тўсқинлик қилди.

Лекин биз буни барибир ўтказамиз”, дер экан “Эрк” партияси раиси Муҳаммад Солиҳ тадбирнинг ўтказилиш тарихи ҳаммадан сир тутилишини кўшимча қилди.



Агар бу кимса фақат шахсимга хужум қилганда эди, навбатдаги бир «вовуллаш», деб сукут ила жавоб берган бўлардим. Аммо бу кимса менинг оиламга, набираларимга тил узатапти, ҳатто уларни лаънатлапти.

Жавоб жоиз бўлди.

Оллоҳ шохид, бултур У. Ҳақназаров МХХнинг мухолифат ичидаги «қулоқлари»нинг рўйхатини эълон қилганда, мен 2 та кишининг фамилиясини олиб ташлашни У. Ҳақназаровдан илтимос қилдим. Бу 2 та кишининг «қулоқ» эканлигига шубҳа қилганимдан бу илтимосни қилдим. У. Ҳақназаров кўнмади.

Мен у ҳолда мақолани босаолмаслигимизни айтдим.

Бир-неча кун ўтгач, У. Ҳақназаров бу «таҳрир»га рози бўлди ва унинг мақоласи ўша 2 та кишининг номи матндан чиқарилган ҳолда эълон қилинди.

Мен буни оз бўлса-да танийман деб ўйлаганим инсонларга қилинган муҳтамак тухматга шерик булиб қолишдан қўрқганим учун қилгандим.

Ўша 2 та одамдан биттаси сен эдинг, «Раббимов». Бунга Оллоҳ гувоҳ, бунга У. Ҳақназаров гувоҳ ва ўша «Раббимов» билан бирга «қулоқлар» рўйхатида курсатилган иккинчи шахс гувоҳ.

Мен буни сенга яхшилик қилиш учун қилмадим, балки Оллоҳдан қўрқганим учун қилдим. Энди сен мени ва невараларимни лаънатлапсан, шунақами?

ярашмайдиган шаллақи оҳангда бу ишга алоқаси бўлмаган кишиларни лаънатлапсан.

3. Одамларни лаънатлаш билан мусулмонликка эришиб бўлмайди. Оллоҳга мурожаат қилишинга қараганда, ўзингни мусулмон деб биладиганга ўхшайсан.

Мусулмон одам тухматчи кимлигини билмай туриб, дуч келгани лаънатламайди.

Мусулмон одам бировни ноҳақ лаънатласа, бу лаънат ўзига қайтиб келишини билади.

ЎЗИНИ «РАББИМОВ» ДЕБ АТАБ, ФЕЙСБУКДАН БИЗНИ ЛАЪНАТЛАЁТГАН КИМСАГА

Сенга бир-икки оғиз сўз айтишга мажбур қилдинг, айтайин.

1. Мен сени ўзимга на душман, на дўст деб биламан. Сени ёмон кўриш учун менда бир сабаб йўқ. Узоқдан танишлигимиз бор холос. Бугунгача сен ҳақда фикр сўралган жойда «дуруст мутахассис» дея, мусбат фикримни билдириб келдим.

2. Ҳаракатимиз сайтида босилган У. Ҳақназаров мақоласидаги исминг талаффузи У. Ҳақназаровга фейсбукда қилган ҳақоратингга жавобдан бошқа нарса эмас. У ерда сенинг қаерда ишлаганинг айтилган холос. Сен эса, бу иддаога вазминлик билан жавоб бериш ўрнига, «политолог» мақомига

Сен шу оддий ҳақиқатни ҳам билмайдиган ғофилсан, Аллоҳдан қўрқмайсан.

4. Сен бировларнинг исмини тафтиш қилишдан олдин ўз исмингга боқ. Истиғфор келтириб айтайин, «Раббимов», сен ҳеч кимнинг Рабби эмассан, Оллоҳга ўзингни шерик қўшма, фамилиянгни ўзгартир

5. Ўзингга кел, қутурма.

Мусулмон эканингни билсайдим, «тавба қил» дердим.

Аммо бу қадар кибрили, инсонларга ҳеч иккиланмасдан лаънат ёғдирадиган кимсалар «тавба» нима эканини билмайди, сени Оллоҳга ҳавола қилдим, бундан бошқа чора йўқ.

Муҳаммад Солиҳ

Швецияга келган илк кунларимда қиш фасли эда ва бир нарса мени жуда хайратга солганди. Уйларда, квартираларда холодильниклар бор экан. Нима учун? Бу ерда холодильник нега керак экан деб ўйлардим. Тежамкорликни билишмаскан деган қарорга ҳам келганим бор. Совуқдан совуқ Швециянинг кўчаларида пиёда

Куни кеча Қарши шаҳрида кўнғирок қилганимда эса, Қарши шаҳар маъмурияти мен туғилиб ўсган шаҳарда тежамкорлик ишларини бошлаб юборганини ҳис қилдим. Чунки мамлакат бойлиги бўлган газни элдан тежаб, Хитойга сотишни билганлар эндиликда электр қувватини ҳам тежашга ўтишибди.

ХОЛОДИЛЬНИК ШАҲАР

юрганимда эса яна бир нарса мени қаттиқ хайратлантирди. Баъзи уйларнинг пештоқида кондиционерлар бор экан. Наҳотки Швецияда ҳам ҳаво шунақа исиса? Албатта бу ерда ҳам ёз бўлиши, ҳаво дим бўлишини эса ёзга бориб англадим.

Айтиш мумкинки, одамлар бекорга холодильник ишлатишмасин дейишганда. Лекин қани ўша холодильникга солиб қўйиб сақланадиган маҳсулот? Борми бирор нарса? Одамлар холодильникларини ҳам сотиб юборишгандир ҳойна ҳой. Ёки суварак уяга айлантириб бир бурчакка ташлаб



қўйган бўлсалар ҳам эҳтимол. Хуллас, Ўзбекистонда, айниқса менинг жонажон шаҳрим Қаршида одамлар яшайдиган уйлар холодильникларга айлантирилган.

Электр қуввати ҳозирча узиб-узиб берилаётгани бор экан.

(Давоми кейинги саҳифада)

ХОЛОДИЛЬНИК ШАҲАР

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Ахир холодильник ҳам узук-кун дўриллаб турмайдику. Узилиб, тўхтаб-тўхтаб ишлайди, шундаймасми? Қаршилиқ ҳокимлар ва электр тармоғи идорасидаги мутасаддилар, керак бўлса вилоят ҳокимиятидагилар ҳам халқни музхонада сақланаётган гўшт деб ўйлашади. Ўзику аслида ҳам шундай. Бу боқиманда тўралар учун эл гўштдир, даромад манбаидир, балки тажриба ўтказилинадиган қуёндир, ҳар нима бўлса бордир — аммо эл эмас, одам эмас улар! Бу касофатлар билишмайдики, шу эл сабаб ҳам улар ҳокими мутлоқ! Шу халқнинг елкасига миниб яшашмоқда улар.

Икки кундан сўнг 8 декабрь — Ўзбекистон Конституцияси куни. Бу, қиш фаслларида холодильникга айланадиган мамлакатда ҳам Конституция борлигини писанда қилсангиз биров ишонмайди. Чунки бу мамлакат мафия тартиблари билан бошқарилади ва унда энг катта мафиоз, халиги..., ким эди..., хуллас..., ўша-да, ҳа ўша киши ҳокимлигу, ҳукамолик қилади холос. Балки улар халқ кўчага чиқиб “бошингдан ордона қолсин байраминг, газни, электрни бер!” дейишини кутишаётгандир. Йўқ! Ҳеч қачон бизнинг ҳалимдеқгина мулойим халқимиз бу ишни қилмайди. Музхонада ўлса ўар, аммо ўз ҳаққини сўрамайди. Уятда ахир бунақа қилиш!

Шу кунларда Ўзбекистонимиз Конституцияси кунини яхши нишонлашни ҳаттоки мамлакат масжидларидаги имомлар ҳам элга уқтираётган экан. Ҳукуматда ва ҳокимликларда ишлайдиганларку роса эзмалиқ қилиб бу азиз кунни яхшигина нишонлаш кераклигини такрор ва такрор айтишаётгандир. Аммо эл нима қиларкин?

Нима ҳам қиларди? Қоронғу уйда дир-дир титраб кўрпалар остида беркиниб “Ҳе ўша ҳукуматингням, Конституциянгням...” деб нишонлашга мажбур улар. Чунки ўзбеклар шимолдий кутбадаги чукчалар эмас, улар иссиқ жойда яшаб ўрганган миллат, лекин буни Ўзбекистонимизнинг олий мафияси тушунармикан?

Хуллас, Ўзбекистон халқни қишдан соғ-омон чиқиб олса Наврўз байрамини ҳам нишонлаб, олий мафиянинг олдида рақсга ҳам тушиб беради. Холодильник кунларида қийнагани учун миннадорлик сафатида. Фақат мамлакат аҳли яшаб қолса бўлди эди.

Тўлқин Қораев



ИЛМ

*Кимдир илм ўхшар
деди шул қуёшга,
Ғарбдан чиқиб Шарққа
ботар қара, Қуёш.
Илм шарқдан бўй
таратиб қочди ғарбга,
Ул илмни ортга қайтар,
эй ватандош!*

*Илм кетди мўминларни
зор йиғлатиб,
Маъно қолмай,
мавриди йўқ хитобларда.
Фарзлар қолиб,
суннатларни таҳлил этиб,
Абу Муслим жанги
қолди китобларда!*

*Намозларнинг ракатлари
хусусида*

*Тортишувлар пайдо
бўлди неча-неча.
Охир бориб мадрасада ўқигувчи
Кўрган илми бўлди ўша
«минг бир кеча».
Фасод тўла тўқилган
не ривоятлар*

*Одамларнинг эътиқодин
хароб этмиш.
Илмсиз халқ эшониню,
пири учун
Назр қилиб, ширк йўлларни
тутиб кетмиш.
Тараққиёт, дунё қолиб,
телбаларча*

*Дарвеш ҳолин ўзларига
қилиб касб-кор.
Мана шуни одамларга
Ислом дебон
Кўрсатганлар орамизда
то ҳануз бор.
Тоғу тошлар бизнинг ҳаёт,
деганларнинг*

*Авлодлари қандай қилиб
устун бўлсин?
Ҳаққий Ислом байроғини
қўлда тутган
Ғарбликларга омад кулмай,
кимга кулсин?!
Тараққиёт деганини
дорга осган*

*Оломоннинг куни бир кун
келиб битмиш.
Ахир, қара, ўн еттинчи
аср узра*

*Эсган шамол қайси
юртни ташлаб кетмиш.
Ўздан чиқар садақалар
унут бўлиб,*

*Ҳўп берилган ўзга
тутган икромларга
Ёнидаги муширик қолиб,
мўминларнинг
Мустаҳаби муҳим
бўлмиш имомларга.
На дунёвий ишларида бор
ижобат,*

*На Аллоҳдан нусрат келар
бу умматга.
Чунки унинг асл
ҳоли фақатгина
Илм билан етар ҳаққий
камолотга.
Ғарб динидан юз ўгирди,
ривожланди,*

*Чунки унинг дини асли эди
ботил.
Бугун шарқнинг ҳолатига
энг айбдор
Ўз динини тушунмаган
оми жоҳил.
Мўмин дини ҳақдир,
Аллоҳ каломи ҳақ,*

*Усиз шарқнинг аҳволи хор,
тубан эрур.*

*Тараққиёт осмонига
бизни фақат
Бизни ташлаб кетган илм
элиб берур.*

*Шунинг учун фарзандларга
илм бериб,
Олимларни чиқарайлик
ўлкамиздан.
Шундагина инша Аллоҳ
катта юкни*

*Ташлагаймиз гуноҳ
босган елкамиздан!
Хайрулло Ҳамидов*



2013 йил 26 ноябрь кунидан бошлаб Ўзбекистон президентининг тўнғич кизи Гулнора Каримова республика Миллий хавфсизлик хизмати (МХХ) томонидан олиб борилаётган терговга кўрсатмалар бера бошлади. Иноятлов “идораси”нинг терговчилари Гулнора Каримовани баъзида унинг Тошкентдаги уйида, баъзида эса пойтахтнинг Юнособод туманида жойлашган МХХ тергов изоляторида (ТИЗОда) сўроқ қилишмоқда. Шундай қилиб...

Пойтахт бўйлаб қилинаётган мажбурий “саёҳат”лар

Иноятлов “идораси”нинг терговчилари аввалига Гулнора Каримовани унинг Тошкентдаги уйида сўроқ қилишаётганди. Лекин бир неча кундан кейин улар ўз раиси Рустам Иноятловга мурожаат қилиб, “ўз уйида Гулнора Каримова терговчиларга нисбатан ўта тажовузкор муносабатда” бўлаётгани хақида хабар беришди.

Ушбу хабарларда Гулнора Каримованинг терговчиларга қарата айтган ҳақоратлари ва “ноёб” сўқинишларидан ташқари, унинг шаллақиларча хулқ-атвори ва идиш-товоқ ҳамда бошқа нарсаларни уриб синдиришлари хақида ҳам маълумотлар берилди. Терговчилар МХХ раиси Рустам Иноятловга: “Сўроқ қилинаётган Гулнора Каримова доим бизни ҳақоратлаб, берган саволларимиздан ўзини олиб қочмоқда. Бир неча марта у бизга ўзини ўлдиришини айтиб, бизга таҳдид қилмоқчи бўлди. Бундай шароитда ундан кўрсатмалар олиб бўлмайди”, — дея хабар беришди.

2013 йил 28 ноябрь куни Рустам Иноятлов Ислоом Каримовнинг олдида кириб, Гулнора Каримовнинг тергов қилиниши билан боғлиқ вазият хақида хабар берди ҳамда Гулнора Каримовани МХХ ТИЗОда сўроқ қилишни таклиф қилди. “Агар терговни ТИЗОда давом эттирсак, Гулноранинг ўзига ҳам яхши бўлади. Чунки ТИЗОда у ўзига бирор бир ёмонлик қила олмайди”, — деди Рустам Иноятлов.

Бошқача айтганда, Ўзбекистоннинг бош “чекисти” ўзини Гулнора Каримованинг хаёти учун қайғураётган шахс қилиб, терговни МХХ ТИЗОда давом эттиришни эса – “тергалаётганининг ўз жонига қасд қилишининг олдини олиш” қилиб кўрсатди.

Каримов ушбу таклифга рози бўлди. Шунинг учун 29 ноябрьдан бошлаб терговчилар Гулнора Каримовани МХХ ТИЗОга боришга “таклиф” қилиб, ТИЗО ўзлари учун ҳам, Гулнора Каримова учун ҳам “буткул хавфсиз жой” эканлигини тушунтира бошлади.

Шу-шу Ўзбекистон президентининг тўнғич кизи ҳафтада икки-уч марта эрталаблари уйдан “саёҳат”га чиқиб, Тошкентнинг Юнособод мавзесида жойлашган изоляторга боришга, кечкурун эса – яна уйига қайтишга мажбур бўлмоқда.

(“Тули опа”сининг тақдиридан хавотир олаётган фуқароларга шуни

мазкур иш бўйича расмий тергов ҳаракатлари жорий йилнинг 25 ноябрь кунидан бошланган.

Ўзбек махсус хизматлари Гулнора Каримованинг кўзга кўринган барча мулоқот доираларини тўсиб қўйишди. Интернет Гулнора Каримовадан тўла тўсиб қўйилмаган ягона соҳа бўлиб қолмоқда. Ҳозирча бу тармоқ Гулнора Каримова учун МХХ раҳбариятига қарши компромат парчаларини тўқиб сочадиган ҳамда Рустам Иноятлов ва Ислоом Каримовнинг режаларига қарши ахборот кураши олиб борадиган ягона жой бўлиб қолмоқда.

И.Каримовнинг Туркменистон президенти Г.Бердимухаммедов билан ўтказган учрашуви ҳам режа асосида ўтказилди.

Унда қўшни республиканинг Чаржўй шаҳридан Каспий денгизига янги темир йўл қурилиши масаласигина эмас, балки Каримовнинг севимли “сақичлари”дан бири

У. ҲАҚНАЗАРОВ: Г.КАРИМОВА ТЕРГОВГА КЎРСАТМАЛАР БЕРА БОШЛАДИ

маълум қиламиз: хавотирланишга ўрин йўқ, чунки “опа”нгиз МХХ ТИЗОда ҳам ўзини худди ўзининг уйидагидек ҳис қилиб, шаллақилик қилмоқда ва бутун изоляторга бақириб, жар солмоқда.)

2013 йил 25 ноябрь кунидан бошланган тергов учун Гулнора Каримовадан кўрсатмалар олаётганда мххчилар ўзини жуда ҳам мўминқобил тутиб, ўта юмшоқ муносабатда бўлмоқдалар. Оддий одамларга нисбатан қўлланиладиган қийноқлар ва “пресс”лашнинг бошқа усуллари хақида гап-сўз бўлиши мумкин эмас.

Аксинча, баъзида Гулнора Каримова “тўнка терговчиларнинг бемаъни саволлари”дан туюқиб кетиб, терговчиларни ва МХХ раисини шундай ҳақорат қила бошлайди-ки, ўзбек “чекистлари” ўзларини ноқулай ҳис қиладилар.

Эслатиб ўтамиз, “Тугуша”нинг МХХ ТИЗОга келтирилиб, сўроқ қилиниши унинг отаси Ислоом Каримовнинг розилиги билан амалга оширилмоқда. Шундай қилиб...

Ҳаммаси режа бўйича ва режадан ташқарида кетмоқда!

Аввал хабар қилганимиздек, Гулнора Каримовага қарши кенг камровли ҳужум МХХ раиси Рустам Иноятлов томонидан таклиф қилинган ва президент Ислоом Каримов томонидан маъқулланган режа бўйича олиб борилмоқда. Унга кўра,

– “Афғон муаммоси” – ҳам муҳокама қилинди.

НАТО қўшинлари Афғонистонни тарк этгандан кейин Толибон мужоҳидларининг бостириб киришидан ўлгудек кўрқадиган Ислоом Каримов ушбу учрашувда туркменистонлик ҳамкасбига мурожаат қилиб, толибларнинг раҳбарияти билан ўтказилиши мумкин бўлган музокараларда воситачи бўлишни илтимос қилди.

Тошкентда ўтказилган учрашувда Ислоом Каримов: “Туркменистон Афғонистоннинг hozirgi [Ҳамид Карзой – У.Х.] ҳукумати билан ҳам, аввалги [Толибон – У.Х.] ҳукумати билан ҳам дўстона ва қўшничилик муносабат ўрнатганини эътиборга олиб, Сиздан, Гурбангули Маликкулиевич, Афғонистон раҳбарияти билан алоқалар ўрнатишга ёрдам беришни ҳамда ўтказилиши муҳтамак музокараларда воситачи бўлишни илтимос қиламан”, — деди.

Ўзбекистон раҳбарияти Ҳамид Карзой ҳукумати билан бундан анча илгари ва туркман президентининг воситасидан фойдаланмаган ҳолда ҳамкорлик қилишини эътиборга олсак, Ислоом Каримовнинг ушбу илтимосидан фақат: “Толибон раҳбарияти билан дипломатик алоқалар ўрнатишда бизга ёрдам беринг!” – деган маъно келиб чиқади.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Демак, Каримов диктатураси толибларни сиёсий усуллар билан тинчлантириш йўллари изламоқда. “Ўзбекистонга бостириб кирмаслик” таклифи эвазига фойдакор Каримов Толибоннинг қўлига афғонистонлик ўзбек ва “Ўзбекистоннинг чин дўсти” Абдурашид Дўстумни топширишни ният қилмоқда.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан тузилаётган “Толибонга таклифлар пакети” фақат бу билан чекланиб қолмаяпти. Толибондан ўлгудек кўрқаётган Каримов Ўзбекистон Исломи Харақати ва бошқа жиҳодий гуруҳларнинг аъзоларини камокдан чиқаришга ва ҳатто “уларнинг оилавий тарзда Афғонистонга кўчиб ўтишига кўмаклашиш”га ҳам тайёр.

Бироқ шундай савол туғилади: 2001 йилнинг кузида Толибоннинг оғохлантиришлари қарамадан Ўзбекистон ҳудудини ва аэродромларини америкалик ҳарбийларга

Ислом Каримов президент девони Ишлар бошқармаси бошлиғи Зелимхон Ҳайдаровга махсус топшириқ бериб, Дўрмон қароргоҳининг асосий биносида яшашда давом этаётган Татьяна ва Лола Каримовалар ҳамда Лоланинг фарзандлари билан боғлиқ таъминот, ҳаракатланиш ва бошқа муаммоларни ҳал қилишни ўз назоратига олишни буюрди.

Ислом Каримовнинг ўзи аввал Дўрмон қароргоҳининг меҳмонхонаси бўлиб хизмат қилган бинога кўчиб ўтди.

Бундан ташқари, Ислом Каримов Президент Хавфсизлиги Хизмати бошлиғига ва МХХ раисига топшириқ бериб, Гулнора Каримовани на Оксаройга, на Дўрмонга китритмасликни буюрди. Шунингдек, Каримов ўзининг тўнғич қизидан келадиغان телефон кўнғироқларини ҳам уламасликни буюрди.

Юқорида санаб ўтилган воқеалар Ўзбекистон сиёсий ҳаётида охириги

ўтиш фикридан қайтишсагина (бу ҳолатларнинг эса эҳтимоли жуда оз) эртақка айланиши мумкин. Лекин хорижий радиостанциялар томонидан мустақил (!) эксперт сифатида тез-тез иқтибосланадиган Камолиддин Раббимов Европага кетишдан олдин ўзбек махсус хизматларига қарашли Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида (ФЖЎИда) ишлагани ҳеч қачон эртақка айланмайди.

Камолиддин Раббимов ушбу институтнинг муҳолиф партияларни ўрганиш лойиҳасида ишлаган. Бу лойиҳага МХХ подполковниги Баҳодир Аҳмедов бошчилик қилган. Баъзи ҳолларда К. Раббимов институт директори, ўзбек махсус хизматларининг полковниги Маъруф Усмонов топшириқларини ҳам бажариб келган.

Хусусан, ФЖЎИ директорининг топшириғига кўра, К. Раббимов “сиёсий партиялар бўйича мустақил эксперт” никоби остида муҳолиф партиялар ва мустақил ҳуқуқбонлик ташкилотлари мажлисларида ҳам қатнашиб, ФЖЎИга бажарган ишлари ҳақида батафсил ҳисоботлар ва мажлисларнинг аудиоёзувларини тақдим этиб келган.

“Ўзбекистон МХХда махсус суҳбатдан ўтган ижобий шахс” Камолиддин Раббимов Андижон воқеаларидан кейин бир зумда Каримов режимини танқид қиладиган мустақил сиёсатшуносга айландиқолди. Эндиликда у “Ақли заифлар учун эртақлар” қабилидаги сиёсий ташхислар кўйишни ўрганиб олибди.

Эслайтиб ўтамин, мақолаларимизни бадном қилишни ёки мақолаларимизни танқид қилиш орақли шухрат орттиришни истаётган Камолиддин Раббимов ва бошқа нусхалар вақти келиб, бундай постинг ва шарҳлари учун жавоб беришларига тўғри келади.

Бу гап ferghana.ru сайти бош муҳаррири Даниил Кисловга ҳам тегишли. Чунки 2013 йил 13 ноябрь куни facebook.com тармоғида Шухрат Бобожоновнинг юқорида номи келтирилган хабари остида Кислов: “Асосий ёзувчи Усмон Ҳақназаров – бу Солихнинг ўзи”, — деб айтгим келяпти”, — маъносида шарҳ қолдирган.

Яна тақорлаб айтамин, мақолаларимизнинг ҳаққонийлигини фақат вақт ўтгандан кейин билиш мумкин. “Хорижий радиостанция саволларига жавоблар”да биз бунга бир нечта мисол келтиргандик. Мақолаларимиз қуруқ сафсата эмаслигига яна бир қанча мисоллар келтирамин.

Давоми келгуси сонда

У. ҲАҚНАЗАРОВ: Г.КАРИМОВА ТЕРГОВГА КЎРСАТМАЛАР БЕРА БОШЛАДИ

Афғонистонни бомбардимон қилиш учун берган Ислом Каримовни толиблар кечирармикан?

Нахотки мулла Умар Абдурашид Дўстум учун Каримовнинг 12 йиллик аввалги муттаҳамлигини кечирса?! Толибон раҳбарияти Ўзбекистон тарафига: “2001 йилда Туркманистон ҳукуматидан ўрнатқилиб, нейтрал позицияни танлашга сизларга нима ҳалақат берди?!” — деган саволни бермайдими?

Албатта, “Энг замонавий ҳарбий техника билан жиҳозланган ҳамда Афғонистонда 10 йил давомида урушган НАТО қўшинлари оддий автоматлар билан қуролланган толибларни енга олмасдан Афғонистондан чиқиб кетишади”, — деган фикр 12 йил олдин Афғонистонни босиб олишда Пентагонга ёрдам берган Ислом Каримовнинг ҳаёлига ҳам келмаган.

Ҳатто энг фойдакор одам ҳам сиёсий келажакни билишга ёки олдини олишга қодир эмаслигини Каримов энди тушунапти.

Каримовнинг ҳаёлига ҳам келмаган, унинг режаларидан ташқарида рўй берган яна бир воқеа шундан иборат-ки, шу йилнинг ноябрь ойида мамлакат президенти Дўрмон қароргоҳидаги асосий бинони турмуш ўртоғи Татьяна ва қизи Лола Каримоваларга топшириб, бошқа бинога кўчиб ўтди.

пайтда содир бўлган энг кўзга кўринган ҳодисалар эди. Шундай қилиб...

Сўнгсўз

Мақолаимиз ниҳоясида тақдим этаётган маълумотларимизнинг тўғрилиги/нотўғрилиги масаласига қайтмоқчи эдик. Ҳар сафар навбатдаги материализмизни эълон қилишимиз биланоқ баъзи чопқир “сиёсатшунос ва журналистлар” биз тақдим этган маълумотларга ашъвий ва бошқа далиллар талаб қилиб, юқоридаги масалани кўтара бошлаши одат тусига кирди.

Ана ўшандай олифталарнинг ичидан янги чиққан ва чопқир “сиёсатшунос” Камолиддин Раббимовни алоҳида кўрсатиш лозим. 2013 йил 13 ноябрь куни facebook.com тармоғида чоп этилган бир хабар остида у рус тилида: “Каримовы, бросив всю власть в Узбекистане, давным давно планируют переселиться в Аргентину... во как! Сказки для слаббоумных...”, яъни: “Каримовлар Ўзбекистондаги ҳукуматни ташлаб, Аргентинага кўчишни аллақачон режалаштириб қўйишган... ана холос! Ақли заифлар учун тўқилган эртақ...”, — деган шарҳ қолдирган.

Каримов оиласи Аргентинага кўчиб кетишни режалаштираётгани ҳақидаги хабаримиз каримовлар Жанубий Америкага кўчиб ўтишга улгуришмасагина ёки кўчиб



Яқинда, 2013 йил ноябрь ойи ўрталарида, хорижий радиостанциялардан бири бизнинг гуруҳимизга саволлар билан мурожаат қилди. Биз саволларга жавоб қайтаргач, журналистлар ушбу интервьюни радиостанция сайтида эълон қилишга ваъда беришди. Лекин бизга номаълум сабабларга кўра интервью эълон қилинмади.

Мазкур радиостанция томонидан берилган саволлар мақолаларимизнинг ўқувчиларини ҳам қизиқтиришини эътиборга олиб, ушбу интервьюни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати сайтида эълон қилишга қарор қилдик.

Бундан ташқари, ЎХХ ўқувчиларидан тушган баъзи саволларга ҳам жавоб бериб ўтдик.

Фурсаддан фойдаланиб, www.uzxalqharakati.com веб саҳифаси муҳарририяти ва ЎХХ раҳбари Мухаммад Солихга ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганликларини учун миннатдорчилик билдираемиз. Шундай қилиб..

Хорижий радиостанция саволларига жавоблар

Савол: — Усмон Ҳақназаровнинг аслида ким эканлиги ҳаммани қизиқтирмакда. Усмон Ҳақназаров шахси ёки бир киши томонидан тамсил қилинаётган бир гуруҳми?

Жавоб: - Усмон Ҳақназаров — гуруҳимиз томонидан эълон қилинаётган мақолаларга қўйилаётган таҳаллус. Гуруҳимиз уч йўналишда ишлайди. Бу йўналишлар қуйидагилар: а) ахборот кидириш ва етказиш, б) етказилган ахборотни текшириш ва таҳлил қилиш, в) текширилган ва таҳлил қилинган ахборотни мақола тарзида баён этиш.

Савол: — Мақолаларингизни ким учун ва унима учун ёзасиз?

Жавоб: — Мақолаларимизни маҳаллий ва хорижий жамоатчилик учун ёзиб, ундан кўзлаган асосий мақсадимиз Каримов режими томонидан содир этилаётган жиноятларни ошкор қилишдир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳукумат ва кучишлатар тизимларида ишлаётган кўплаб шахс ва гуруҳлар хорижий дипломатлар ва махсус хизматлар агентлари учун зарур ахборотни топиб, етказишмоқда.

Уларнинг деярли барчаси катта пул учун ишлаб, ахборотларни сотишмоқда. Шу жиҳатдан, яъни зарур ахборотларни сотиб олиш бўйича АҚШ элчихонаси ходимлари (МРБ агентлари) фаоллик кўрсатиб, Ўзбекистон президенти девони, Хавфсизлик Кенгаши, МХХ, Мудофаа Вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигидаги манбаларига зарур маълумотларни етказганликларини учун катта маблағлар тўламоқдалар. Бу борада ўз манбаларига гонорарларни аямаётган россияликлар ва қозоғистонликлар ҳам фаолдирлар.

Эслатиб ўтамиз: АҚШ, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг махсус хизматларига ишлаётган манбаларнинг деярли барчаси моддий манфаат учун елиб-

томонидан эмас, гуруҳимизнинг илк аъзолари ташаббуси билан махсус хизматларнинг ичида ташкил қилинган. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтишимиз лозим-ки, гуруҳимиз аъзолари сони йилдан йилга кўпайишда давом этмоқда. Бу эса ҳукумат тuzилмаларида Каримов жиноятларини фoш қилиш ишига ўз хиссасини қўшишни истаётган кишилар сони кун сайин ортиб бораётганидан даволат беради.

Савол: — Мақолаларингиз текшириб бўлмайдиган тафсилотларга тўла. Бу маълумотларни қаердан оласиз? Манбаларингиз ким?

Жавоб: — Манбаларимиз Ўзбекистон президенти девони, Хавфсизлик Кенгаши, МХХ, Мудо-

У. ҲАҚНАЗАРОВ: ХОРИЖИЙ РАДИОСТАНЦИЯ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

югурмоқдалар. Бизнинг гуруҳимиз эса ахборотларни фақат ўзбек халқи учун ва фақат беғараз топиб, етказадимиз. Чунки гуруҳимизнинг мақсади бойлик орттириш эмас, Ислом Каримовнинг аксилхалқ режими ағдариш ишига ўз хиссасини қўшишдир.

Савол: — Ушбу ном остидаги мақолалар 2000-йилларнинг бошида чиқа бошлаганди. Ҳозирда ушбу муаллиф мақолаларининг тили сезиларли даражада ўзгарган. Уларни бир одам ёзганми?

Жавоб: — Мақолаларни бир муаллиф ёзмаган. Тилдаги фарқ шундан.

Савол: — Кимнинг манфаатларига хизмат қиласиз?

Жавоб: — Биз ўзбек халқининг манфаатларига хизмат қиламиз. Иккинчи саволга берган жавобимизда ўз мақсадларимизни аниқ баён этдик, деб ўйлаймиз.

Савол: — Мақола ёзишга Сизга нима туртки бўлмоқда?

Жавоб: — Бизга туртки бўлаётган омил оддий — Каримов режими содир қилаётган жиноятларга оид барча маълумотларни ошкор қилиш. Яна такрорлашга мажбурман: ушбу ишни биз беғараз амалга оширмаймиз.

Савол: — Кўпчилик Сизни махсус хизматларнинг “ижоди”, деб билади. Шу тўғрими?

Жавоб: — “Махсус хизматларнинг ижоди” деган ибора “махсус хизматлар томонидан яратилган, уларнинг махсулидир” деган маъноларни англатади. Бу нотўғри. Чунки бизнинг гуруҳ махсус хизматлар

фаа Вазирлиги, Бош прокуратура ва Вазирлар Маҳкамасида ишлайдилар. Гуруҳимизда манбалар билан ишлаш тизими махсус хизматларнинг иш тизими бўйича ташкил қилинган. Яъни бир манба иккинчисини танимайди, билмайди ва ҳоказо. Мақолаларимизда келтирилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини фақат вақт ўтган сари билиш мумкин.

Савол: — Мақолаларингиз тескари хронологик тартибда ўқилса, Сиз башорат қилган кўплаб нарсалар, масалан, “Ёз операцияси” ва бошқа башоратларингиз содир бўлмади. Одамларни алдаганингиз учун масъулият сезасизми?

Жавоб: — Биринчидан, кўплаб башоратларимиз содир бўлмаганидан биз хурсандмиз. Чунки агар улар содир бўлганида ўзбек халқи яна бир нечта фожеаларни бошидан ўтказган бўларди. Иккинчидан, Ўзбекистон ҳукумати баъзи операция ва иғволарни амалга оширмаганида, балки, бизнинг мақолаларимиз ҳам ўз ролини ўйнаган бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, режим тузган ушбу режаларнинг гуруҳимиз томонидан фoш қилиниши ҳукуматни ушбу режаларни бекор қилишга ёки жуда бўлмаганда ижросини вақтинча тўхтатиб туришга ундаган бўлиши мумкин. Учинчидан, инсонларга бирор нарса ҳақида хабар бераётиб, биз бирор нарсани башорат қилишни эмас, балки омма Ўзбекистон ҳукуматининг иғво ва найрангларига алданиб қолмаслиги учун оммани огоҳлантиришни мақсад қиламиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бизга ҳукумат у ёки бу иғволарни тайёрлаётгани ҳақида хабар беришган. Биз шу хабарларни текшириб кўрганмиз ва улар ўз тасдиғини топгандан кейин маълумотларни таҳлил қилганмиз ва мақола тарзида эълон қилганмиз. Бор гап шу. Ҳеч нарсадан хабари бўлмади ҳукуматнинг найрангларига алданиб қолгандан кўра, вазиятдан хабардор бўлиб, ёмон оқибатларга тайёр туриш яхшим эмасми?!

Шу билан биргаликда шуни ҳам таъкидлашимиз керак-ки, мақолаларимизда келтирилган кўплаб фактлар ўз тасдиғини топган ва топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Ислоний Ҳаракатининг ҳукумат томонидан ҳибсга олиниб, суд

ёнот беришди. Бу билан улар ҳам мақолаларимизнинг ҳаққонийлигини тасдиқлашди.

Савол: — Бундай турдаги маълумотларни топиш учун Сиз хорижий махсус хизматлар билан ҳамкорлик қиласизми? Агар хорижий махсус хизматлар билан ҳамкорлик қилсангиз, бундай ҳамкорлик эвазига улар Сиздан нима талаб қилади?

Жавоб: — Хорижий махсус хизматлар билан биз ҳамкорлик қилмаймиз, чунки уларга ишонмаймиз. Улар бизни сотмаслигига, улар ўзбек халқига яхшилик истаётганига ишонмаймиз. Алал-оқибат улар МОССАД, МРБ ёки ФСБга ишламаслигига ҳам ишонмаймиз.

Шуни ҳам айтиш керак-ки, нафақат Ўзбекистон МХХ, балки

Бундан ташқари, бизда мавжуд хабарларга кўра, Пентагон Қашқадарёдаги Хонобод аэродромидан Афғонистонда етиштирилиб, тайёрланган героинни катта микдорларда АҚШ, Европа Иттифоқи ва Лотин Америкаси мамлакатларига етказиш ишларида қайта юклаш пункти сифатида фойдаланган. Хусусан, 2004 йил июнь ойида Қобулдан учиб келган юк учоғи Хонобод аэродромига кўниш пайтида кичик аварияга учраб, учоқнинг юкхонаси шикастланган.

Муваффақиятсиз амалга оширилган кўнишдан кейин АҚШ юк учоғи яна ҳавога кўтарилишга мажбур бўлган. Учоқ Хонобод аэродромига иккинчи уринишда қўнган. Бироқ учоқ юкхонасининг жиддий шикастланиши ва Хонобод устида қайта учиши натижасида бутун аэродром ва унинг ён-атрофлари бўйлаб Қобулдан олиб келинган юкнинг бир қismi — героин билан тўлдирилган беш килограммлик целлофан пакетлар сочилиб кетган.

Ушбу воқеа ҳақида нафақат америкалик ҳарбийлар, балки Ўзбекистон МХХнинг ўша пайтда Хонободда хизмат қилган ходимлари ҳам хабар топишган. Аэродром атрофларида сочилиб ётган пакетларни йиғиштириб олган ўзбек ҳарбийлари ва мххчилари “АҚШ юк учоғидан сочилиб тушган пакетлар героин билан тўлдирилган”лигини дарров аниқлашган. Бу ҳақида улар зудлик билан Тошкентга, яъни МХХ раҳбариятига хабар беришган.

Бироқ АҚШ элчихонасининг ҳарбий атташеси ва шахсан элчининг ҳаракатлари натижасида ушбу можаро тезда “ёпилди”. Чунки америкалик элчи Ўзбекистон президентининг олдига кириб, бу можарони “ёпиш” ҳақида буйруқ беришига эришдилар. Ва 2005 йилда АҚШ ҳукуматидан Пентагон ҳарбийларини Ўзбекистондан зудлик билан олиб чиқишни талаб қилганда Ислон Каримов Хонобод аэродромида содир бўлган героин можаросини ошкор қилиши мумкинлигига шайма қилиб, америкаликларга таҳдид қилди.

Ҳа, ўша пайтда америкалик ҳарбийларни Ўзбекистондан чиқариб юборишда Каримовга асосан Россия ва Хитой ҳукуматлари кўмаклашишди.

Лекин Каримовнинг ўша вақтдаги ультиматив ҳатти-ҳаракатларига Қашқадарёдаги Хонобод аэродромига жойлашган америкалик ҳарбийларнинг “героин гуноҳи” ҳам сабаб бўлганди.

Давоми келгуси сонда

У. ҲАҚНАЗАРОВ: ХОРИЖИЙ РАДИОСТАНЦИЯ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАР

қилинган аъзоси Зайниддин Аскарлов Тошкент камокхонасида ўтказилган матбуот анжуманида 1999 йил 16 февраль портлашлари республика ҳукумати ва махсус хизматлари томонидан ташкил қилингани ҳақидаги маълумотни тасдиқлади. Дарвоқе, ушбу матбуот анжуманининг ташкил қилинишига Тошкентдаги февраль портлашларига бағишланган мақоламиз сабабчи бўлган: хорижий оммавий ахборот воситаларининг журналистлари иштирокидаги матбуот анжуманини ташкил қилар экан МХХ раҳбарияти Зайниддин Аскарлов олдида “Ҳақназаровнинг фактларини инкор қилиш ва маҳкамада айтилган аввалги кўрсатмаларни тасдиқлаш” вазифасини қўйган эди.

Ёки бошқа мисол. Яқинда Гулнора Каримова ўзининг твитлари орқали Лола Каримова-Тиллаеванинг қайинотаси жиноий доираларнинг вакили эканлиги ҳақида хабар берди. Эсингизда бўлса, бу ҳақида биз узок 2005-2007 йилларда ёзганмиз.

Мана, яп-янги мисол. Яқинда Пентагоннинг собиқ ходими Сибал Эдмонтс ҳам бизнинг мақолаларимизда келтирилган фактларни тасдиқлади. Мақолаларимиз чоп этилган вақтдан бир йил ўтгач, Сибал Эдмонтс АҚШ махсус хизматлари “Ал-Қоида” ва бошқа мужоҳидий гуруҳларнинг етакчилари билан ҳамкорлик қилгани ҳақида хабар берди. Яқиндагина эса америкалик бир гуруҳ ҳарбийлар 11 сентябрь портлашлари Исроил ва АҚШ махсус хизматлари томонидан уюштирилгани ҳақида ба-

Исроил МОССАДи, АҚШ МРБси ва Россия ФСБси ҳам бир неча йиллар давомида гуруҳимиз аъзоларини топиш билан шўғулланишмоқда. Бизда Америка махсус хизматларининг жосуслари ҳатто ўтган йили ҳам ўзбекистонлик баъзи мухожирлардан гуруҳимиз ҳақида сўраганига оид маълумотлар бор.

Бошқа мамлакатлар махсус хизматларининг амалиётларига оид маълумотларни биз ўзимизнинг маҳаллий манбалардан оламиз. Масалан, маҳаллий манбалар томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, Ўзбекистон ва АҚШ махсус хизматлари Афғонистонда ҳибсга олинган мужоҳидларни биргалашиб сўроқ қилиш ва қийноққа солишда ўзаро ҳамкорлик қилишади. Шуниси қизиқ-ки, америкаликлар ҳибсга олинган толибларни Гуантанамога жўнатишдан олдин ё Тошкентга, ёки Бокуга олиб бориб, қийноққа солиб, ўзларига керак маълумотларни олишга ҳаракат қилганлар.

Айтсак, ишонмасиз, лекин толибларни қўлга олиш, тергаш ва қийноққа солишда америкаликларга ҳаттоки Эрон Ислон Республикаси ҳукумати ҳам ёрдам бериб келган. Эронликлар ўз худудида қўлга олинган мужоҳидларни АҚШ махсус хизматларига топшириб келишган. Бу ҳақида биз 2002-2004 йилларда, яъни ҳибсга олинган толиблар билан тўлдирилган бир нечта учоқ Тошкент аэропортига ва Қашқадарёнинг Хонобод аэродромига Эроннинг Машҳад шахридан келиб қўнганда хабар топдик.



Одам алайҳиссалом тўккан кўз ёшга эса ер ахли ва Довуд алайҳиссаломнинг тўккан кўз ёшлари ҳам тенг келолмасди (118).

Одам алайҳиссалом Жаннатда қилган гуноҳи туфайли йиғлаб, Аллоҳдан тавбасининг қабулини сўраб (119), манглайига қўлини кўйиб фиғон чекаркан, Жаброил алайҳиссалом ёнига келиб, салом берди. Одам алайҳиссаломнинг йиғлаганини кўриб, у ҳам йиғлади.

-Эй Одам, сенга захмат ва машаққат берган бу бало надир? Бу йиғлаш надир? -деб сўради у.

-Эй Жаброил, қандай йиғламайин, Аллоҳу Таоло мени Малакут самосидан ернинг хўрлик ва ҳақирлигига индирган бўлса?! Муқим бир юртдан муваққат бир юртга, бир неъмат юртидан йўқсиллик юртига, тамалли бир юртдан тамалсиз бир юртга ўтказган бўлса?! Эй Жаброил, мен бу мусибатни қандай тузатишим мумкин?, -деди Одам алайҳиссалом.

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг деганларини Аллоҳга хабар этди (120).

Одам алайҳиссалом:

-Ё Роббим, Сен мени ўз қўлинг билан яратмадингми?, -деди.

-Яратдим, -деди Аллоҳу Таоло.

-Эй Роббим, сен менга руҳингдан уфурмадингми?, -деб сўради Одам алайҳиссалом.

-Уфурдим, -деди Аллоҳу Таоло.

-Эй Роббим, мени Жаннатингга ерлаштирадингми?, -деди яна Одам алайҳиссалом.

-Ҳа, ерлаштирдим, -деди Аллоҳу Таоло (121).

-Мени у ердан нега чиқардинг?, -деди Одам алайҳиссалом.

-Амрга итоат қилмаганинг учун, -деди Аллоҳу Таоло (122).

-Эй Роббим, Сенинг раҳматинг

ғазабингдан устунроқ эмасми?, -деди Одам алайҳиссалом.

-Ҳа, устунроқ, — деди Аллоҳу Таоло.

-Агар мен тавба қилиб, тузалсам, Сен мени Жаннатга қайтаришни уйғун кўрармисан?, -деди Одам алайҳиссалом (123).

-Уйғун кўраман, -деди Аллоҳу Таоло (124).

-Менга исён қилмасликни амр қилмадимми сенга?, -деб сўради Аллоҳу Таоло.

-Амр қилдинг, Ё Роббим, -деди Одам алайҳиссалом. Аллоҳу Таоло деди:

-Иззат ва Жалол сифатимга ва маконимнинг олийлигига онт бўлсинки, сенинг каби ер тўла одам (лар) бўлиб Менга осий бўлсалар, ҳаммасини осийларнинг манзилига ташлайман. Эй Одам, Менинг раҳматим ғазабимдан илгари келгандир. Се-

эт (144) ва Мени зикр қил (145). У ерда сенинг дуоингни ва Менга итоат қилган фарзандларингнинг дуоларини қабул этай, -дея ваҳий қилди (146) ва Маккага боришини буюрди (147).

-Эй Роббим, мен у ерга қандай бораман? Менинг бунга на кучим етади ва на йўлни топаман, -деди Одам алайҳиссалом.

Аллоҳу Таоло юборган бир Малак йўл кўрсатиб, уни Маккага олиб борди (148).

Одам алайҳиссалом юраркан, узун йўллар, чўлу биёбонлар худди шимарилган енг каби қисқарди.

Унинг ўтган ери денгизми, чўлми, нима бўлса бўлсин, бир неча одимда ўтиладиган масофага айланди (149). Маккага боргунча (150) у оёқ босган (151) ёки қўноқлаган (152) ҳар ер бир маъмура (153) ва баракотли қароргоҳга (154) айланди (155).

Ҳатлаб ўтган жойлари эса одам

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

нинг йиғлашингни эшитиб, раҳм қилдим, қусурларингни озайтирдим. Сен менга шундай дуо қил (125):

“Аллоҳим (126), Сендан бошқа илоҳ йўқ, фақат Сен борсан (127). Аллоҳим! Сени тасбиҳ ва тақдис этаман! Сенга ҳамд этаман (128)!

Роббим! Мен бир жинойт ишладим ва ўзимни хайф қилдим! (130). Мени ёрлақа, тавбамни қабул айла! (131).

Чунки (132) тавбаларни энг кўп қабул қилган ва энг марҳаматли бўлган Сенсан, Сен (133)! Чунки айбларни энг кўп авф этган, марҳаматли Сенсан, Сен (134)!

Чунки Сенсан авф этганларнинг энг хайрлиси (135)! Аллоҳим (136), бошқа илоҳ йўқ, фақат Сен борсан! Сени тасбиҳ ва тақдис этаман (137)!

Аллоҳим (138), сенга ҳамд этаман (139)! Роббим (140), мен бир гуноҳ қилдим ва ўзимни хайф қилдим. Менга марҳамат айла! Чунки марҳаматлиларнинг энг марҳаматлиси Сенсан, Сен (141)!”

Одам алайҳиссалом Каъбани бино этиб, уни тавоф қилиши

Одам алайҳиссалом учраган балодан шиддат-ла йиғлаши ва унга кўшилиб малакларнинг йиғлашига жавобан (142) Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломга:

-Аршимнинг паст қисмида менинг бир ҳарамим (таъқиқланган минтақа) бор (143), сен у ерга бор ва Мен учун бир Байт (Маъбад) иншо қил ва Малакларим Аршимни тавоф қилганларидек, сен ҳам у ерни тавоф

яшамайдиган жойлар бўлиб қолди.

Одам алайҳиссалом йўлда кетар экан, боғу боғча ва чаманзор ерларни кўриб, шу ерда қолайлик, дер, Малак эса, “сенинг қоладиган жойинг бошқа”, деб жавоб берар ва йўлида давом этарди (156).

Ниҳоят улар Маккага етиб келишди (157).

Жаброил алайҳиссалом қанотини ер тубининг метин ва собит ўзагига ботириб, Каъбанинг тамалини (асосини) очди. Малаклар 30 киши кўтара олмайдиган харсанг тошларни олиб, бу очилган тамалга ташладилар (158).

Одам алайҳиссалом Каъбани беш тоғдан: Тури сайно, Тури зайтун, Лубнон, Жуди ва Ҳиро тоғларидан келтирилган тошлардан иншо этди (159). Каъбанинг ер юзасига чиккунча (160) бўлган тамалини (161) Ҳиро тоғидан келтирилган тошлардан солди (162).

Каъбани куриб бўлгандан сўнгра Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломни Арафотга олиб борди ва мусулмонларнинг бугунги кунда бажо келтираётган Ҳаж амалларини битта-битта кўрсатиб берди (163).

Ўша пайтларда Одам алайҳиссалом Ҳазрати Ҳаввони (164), Ҳазрати Ҳавво эса Одам алайҳиссаломни излай бошлаганиди (165).

Улар Арафотда учрашиб, бир-бирини танидилар ва Муздалифада бирлашдилар. Шу боис бу ерларга Арафот, Жамиъ ва Муздалифа деган номлар берилди (166).

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Яна бир ривоятда Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга Ҳаж амалларини ўргатиб, “энди ўргандингми?”, деб такрор сўраганда, унинг “ҳа, ўргандим”, дегани учун ҳам у жойга Арафот дейилган эмиш (167).

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломни Маккага олиб келди, Одам алайҳиссалом Каъбани етти карра тавоф қилди (168).

Тавоф қилар экан, Каъбада (169) ва ёки Маъзамайнда Малакларга рўбарў келди (170).

Малаклар Одам алайҳиссаломнинг Ҳажжини қутладилар ва “бу Байтни биз сендан 2 минг йил аввал тавоф этиб, Ҳажж қилганмиз”, дедилар (171).

Одам алайҳиссалом улардан:

- Сизлар тавоф этаётиб нима дердингизлар?, -деб сўради.

- “С у б ҳ а н А л л о ҳ и валҳамдулиллаҳи вала илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар”, дердик, -деди Малаклар.

Одам алайҳиссалом бунга “Вала ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” жумласини илова этди.

Шундан кейин Малаклар тавофда Одам алайҳиссалом илова этган жумлани ҳам кўшиб ўқишни одат қилдилар.

Одам алайҳиссалом Ҳаж амалларини бажо келтиргандан сўнг:

-Эй Роббим, ҳар амал соҳиби учун бир ажр бўлур! -дея хитоб этди.

-Эй одам, сенинг ҳам ажринг бор. Мен сени авф этдим. Сенинг зурриётингга келсак, улардан бу Байтга гуноҳи билан келганларни (ва тавоф қилганларни) ҳам авф этажакман (172), -деди Аллоҳу Таоло.

Одам алайҳиссаломнинг тавбаси Жума куни қабул бўлди (173).

Одам алайҳиссалом Ҳаждан сўнгра Ҳазрати Ҳавво билан Ҳиндистонга қайтиб кетдилар (174).

У ерда кеча ва кундузлари бошпана ўлароқ (175), қўлланмоқ учун бир моғорани танлашди (176).

Одам алайҳиссалом Ҳиндистондан яёв юриб, Каъбага (177) қирк марта (178) ва ёки етмиш марта (179) бориб ҳаж қилди (180).

Макка харамининг чегараси

Ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом Шайтоннинг шарридан кўркиб, Аллоҳга сизинганида, Аллоҳу Таоло унга кўриқчи Малаклар юборганди.

Бу Малаклар Маккани ҳар тарафдан қуршаб олгандилар.

Улар турган чизик Макка атрофининг, Ҳарамнинг чегараси ҳолига келган эди (181).

Қуръони Каримнинг Одам алайҳиссаломга доир баёни

Қуръони Каримда Одам алайҳиссалом ҳақида Шундай дейилади: “Муҳаққакдирки, Исонинг холи ҳам Аллоҳ қатида Одамники кабидир. (Аллоҳ) уни (Одамни) тупроқдан яратди. Сўнгра унга “бўл!” деди. У ҳам бўлди” (182).

Эсланг, Роббинг малакларга, “Мен ер юзида бир халифа яратаман”, деганди. Малаклар “биз бу ерда сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ ва тақдис этиб турганда, ерда бузғунчилик қилиб, қон тўкажак бир кимсани яратмоқчимисан”, дейишганди. Аллоҳ уларга “сиз билмассиз, Мен биламан”, деганди (183).

Эсланг, Роббинг малакларга: “мен куруқ бир лойдан суръатланмиш бир балчикдан бир башар яратажакман, сиз ўшанда, уни яратиб битирганим ва унга руҳимдан уфурганим он,

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

дарҳол унга сажда этингиз”, деганди (184). Ўшанда Малакларга “Одамга сажда қилинг”, деганди. Иблисдан бошқа ҳаммаси дарров сажда қилгандилар (185). Фақат Иблис сажда қилганлар билан бирга бўлишдан қочиб (186), қайсарлик этди (187). Кибрланмак истади. (Ва) у кофирлардан бўлганди (188). Жин бўлгани учун Роббинг амридан чиққанди (189). (Аллоҳ): “Эй Иблис, сен нега сажда қилганлар билан бирга бўлмадинг (190)? Икки қўлим билан яратганимга сажда этмақдан қайси куч сени ман этди? Кибрланмак истадингми? Ёки катталиқ қиялсанми (191)? Сенга амр этганимда, унга сажда қилишдан сени ман қилган сабаб нима?” — деб сўради (192).

(Иблис): “Мен куруқ бир лойдан, суръатланиши бир балчикдан яратганинг башарга сажда қилиш учун мавжуд бўлмадим (193). Мен ундан (Одамдан) Хайрлироқман. Чунки мени оташдан, уни эса лойдан яратдинг (194). Мен бир балчикдан яратганинг кимсага таъзим қиламанми энди (195)? Мендан шарафлироқ этганинг бу Одам ким ўзи? Менга хабар бер,” -деди (196).

(Аллоҳ): “Дарров туш, у ердан. Ортик у ерда кибрланиб, ўжарлик қилишинг сенга ярашмас (197). Дарҳол бу ердан чик! (198). Чунки сен энди қувилдинг (199). Чунки сен ортик тошланган (илоҳий раҳматдан маҳрум қилинган) бир малъунсан (200). Ҳеч шубҳасиз, жазо қунига қадар (201) лаънат (202), лаънатим (203) сенинг устингдадир”, -деди (204).

(Иблис): “Эй Роббим (205), бўлмаса менга (206) инсонларнинг такрор тирилиб (207), қабрларидан қалқажаклари (208) кунгача мухлат бер (210). Агар менга қиёмат қунигача мухлат берсанг, онт ичаманки, Одамнинг зурриётини -бир ози мустасно, ўзимга банди қиламан (211)”, -деди.

(Аллоҳ): “Бўпти, сен маълум вақтга қадар (212) мухлат берилганлардан (213), кечиктирилганлардан (214). Бор энди. Улардан ким сенга бўйсунса, уларнинг жазоси Жаҳаннам, тос-тамом бир жазо бўлажак (215). Улардан кучинг етганларини сасинг билан йўлдан ур, уларга қарши отлиқларинг ва пиёдаларинг билан ҳужум эт, уларнинг мол-мулки ва фарзандларига шерик бўл, уларга ваъда бер! Шайтоннинг ваъдаси зотан ёлғондир (216). Аммо менинг ҳақиқий қулларим устида сенинг ҳеч бир ҳокимиятинг йўқдир,

уларга вакил ўлароқ Роббинг етарлидир,” -деди. (217)

(Иблис): “Эй Роббим (218), модомики, сен мени йўлдан озишга маҳкум этдинг (219). Бунга муқобил (220) мен ҳам онт ичаман (221)ки, уларни йўлдан оздириш учун сенинг тўғри йўлингга пистирма куриб ўтиражакман (222). Онт бўлсинким, уларнинг олдидан, орқасидан, соғи ва сўлидан ҳужум этажакман. Сен уларнинг кўпчилигини сенга шукр қилганлардан эмаслигини кўражаксан (223). Яна онт бўлсинки, ер юзида уларнинг гуноҳларини безатиб уларга яхши кўрсатажакман (224). Сенинг иззатинга (мутлақ қудратингга) онт ичаманки, уларнинг ҳаммасини бирданига йўлдан оздиражакман. Фақат, сен ихлосга эриштирган қулларинг мустасно”, -деди (225).

(Аллоҳ) деди: “...Мен шу ҳақиқатни айтаман: Онт бўлсинки, сендан (сенинг жинсингдан) ва улар (инсонлар)нинг ичидан сенга бўйсунганлар билан Жаҳаннамни тўлдиражакман (226). Менинг ихлосли қулларим устида сенинг ҳеч қандай таҳаққуминг йўқ. Йўлдан озганлар сенга бўйсунсин.” (227) Шубҳасиз, уларга ваъда қилинган жой -Жаҳаннамдир (228). Унинг етти эшиги ва ҳар эшикнинг уларга ажратилган насиби бордир (229).

Одамга бутун исмлар ўргатилгач, малакларга кўрсатиб, “агар халифаликка биз ҳақдормиз”, деган сўзларингиз рост бўлса, буларнинг исмларини бирма-бир менга

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

айтиб беринг”, деганди (Аллох) (230). Малаклар эса, сени танзиҳ қиламиз (Аллоҳим), сенинг бизга ўргатганингдан бошқа бизда билги йўқ, ҳар нарсани ҳаққи ила билган Сен, ҳукм ва ҳикмат соҳиби Сенсан Сен, дегандилар (231).

(Аллох): “Эй Одам! Уларга уларнинг исмларини айт”, деб буюрган-да, (Одам) уларнинг исмларини бир-бир айтганда, (Аллох) “сизга кўк ва ернинг ғайбини билган фақат Менман, деб айтмаганмидим?”

Нимани айтиб, нимани яширганнингизни Мен биламан”, — деди (232).

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломни яратгач, кўнгли ором олсин, дея ундан (қобирғасидан) завжаси (Ҳазрати Ҳавво)ни яратгандан кейин (233) Шундай деди:

ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (1)

-Эй Одам! Сен ва завжанг Жаннатга ерлашиб ва у ердаги мевалардан истаганча ейингиз, фақат мана шу дарахтга яқинлашманг, акс ҳолда, ўзингизни увол қиласизлар (234). Эй Одам, бу (Иблис) сенинг ҳам, завжангнинг ҳам душманидир, эҳтиёт бўлинг, сизларни жаннатдан чиқармасин ва бебахт бўлма (235). Зотан сен фақат у ерда оч қолмайсан, яланғоч қолмайсан (236). Ва сен у ерда сувсамайсан, қуёшда куймайсан (237), -деди.

Нихоят Шайтон унга шивирлади:

-Эй Одам, сенга абадият дарахтини кўрсатайми, заволсиз ҳокимиятни кўрсатайми (238)? -деди. Уларнинг аврат ерларини васваса қилиб очишга ундади:

-Роббингиз, бу дарахт мевасини ейишни таъқиқлаганига сабаб, сизларнинг Малакларга айланиб, абадий бўлмаслигингиз учун, -деди (239). Ва яна:

-Мен сизларга яхшилик истаганларданман, — дея ямин этди (240). Шундай алдаб, иккисини таъқиқланган мевадан ейишга таназзул эттирди. Улар бу мевадан еган он, уларнинг аврат ерлари очилди, улар Жаннат япроқлари билан устларини ўрадилар. Аллоҳ:

-Мен сизга бу дарахтни ман қилмадимми? Сизга Шайтон очик душман, демадимми? -дея нидо қилди. Улар:

-Эй Роббимиз, биз ўзларимизни хайф қилдик. Агар сен бизни кечирмасанг, ёрлақамасанг, биз буюк хусронга (зарарга) учраганлардан бўламыз, -дейишди (241). Шайтон уларнинг оёғини тойдириб, у ердаги бутун неъматлардан маҳрум этганди.

Одам Оллоҳдан баъзи калималарни белгилаб олиб, ўша калималарла унга ёлворди. Ва Аллоҳу Таоло унинг тавбасини қабул этди. Чунки тавбани энг кўп қабул этган, асл шафқатли Удир (242).

Аллоҳ яна уни танлади ва тавбасини қабул этди. Унга тўғри йўлни кўрсатди (243). Ва шундай деди (244):

-Энди мендан сизнинг ҳар қандай бирингизга ҳидоят келиб, у бу ҳидоятга уйғун ҳаракат қилса, бу дунёда ҳам, охирагда ҳам тўғри йўлдан адашмас (248). Бундайларга қўрқув ва таҳлика йўқдир. Улар маҳзун ҳам бўлмаслар (249). Кимки, менинг зикримдан юз бурса, унинг ҳаққи тор бир тирикчилик бўлажак ва қиёмат куни уни кўзлари кўр ҳолда ҳашр (тирилиш) қиламиз, -деди (250).

Одам алайҳиссаломнинг Ҳазрати Ҳавводан туғилган фарзандлари

Одам алайҳиссалом юз йил сўнгра Ҳазрати Ҳаввога яқинлашди (251). Илк ўлароқ Қобил билан синглиси Лубуд (Лубуз) эгизаклар туғилди (252).

Кейин Хобил билан синглиси Икклима туғилди.

Аллоҳу Таоло Одам алайҳиссаломга биринчи туғилган эгизакларнинг эркагини иккинчи туғилган эгизакларнинг қизи билан ва иккинчи туғилган эгизакларнинг эркагини биринчи туғилган эгизакларнинг қизи билан уйлантиришни амр қилди (253).

Эркакларга ўзи билан бирга туғилмаган қиз билан уйланиш ҳалол қилинди. Бу Ҳазрати Ҳавводан бошқа онадан туғилган қизлар йўқлиги учун руҳсат берилганди (255).

Одам алайҳиссалом Қобилга укаси Хобил билан туғилган қиз (Икклима)га уйланишни, Хобилга эса акаси Қобил билан туғилган қиз (Лубуд)га уйланишни амр этди. Хобил Қобилнинг эгизи Лубудга уйланишга рози бўлди. Қобил эса Хобилнинг эгизи бўлмиш Икклимага уйланишни хоҳламай, ўзи билан туғилган қизга уйланишни истади (256).

Хобил акаси Қобилга мурожаат қилиб, эгизига уйлантиришини илтимос қилди. Қобил буни рад этди:

-Бу мен билан туғилган қиздир. У сенинг синглингдан гўзалроқ. Унга уйланишга сендан кўра мен лойикроқман ва мустаҳикман, -деди у (257).

Чиндан ҳам Қобилнинг эгизи гўзал, Хобилнинг эгизи эса гўзал эмасди (256).

Одам алайҳиссалом Аллоҳу Таолонинг амрини Ҳазрати Ҳаввога ҳам айтди (259):

-Қобилга амр эт, Хобил билан туғилган қизга уйлансин, -деди (260).

Ҳазрати Ҳавво буни ўғилларига сўйлади. Хобил рози бўлди. Қобил эса ғазабланди (261).

-Бу унинг (Одам алайҳиссаломнинг) раъйидир, холос (262). Йўқ, валлоҳи, Аллоҳ буни амр этмади, -деди у.

Ва отасига ҳам:

-Эй Одам, бу сенинг ишингдир! -деди Қобил (263).

Одам алайҳиссалом Қобилга унинг синглиси билан Хобилни уйланишга амр қилди. Лекин Қобил унамади (264).

Одам алайҳиссалом ғазабланиб:

-Синглинг сенга ҳалол эмас, боринг иккалангиз (Қобил ва Хобил) (266) Аллоҳга биттадан қурбон сўйинглар (267). У сизни муҳокама қилсин (268), қайсингизнинг қурбонингиз қабул бўлса, бу қизга уйланишга лойик демак (269). Лойик бўлганинг қурбонлигига Аллоҳу Таоло кўкдан бир олов индириб, ёндиражакдир”, -деди.

Бу таклифни ака-ука қабул этишди (270).

Хобил чорвадор эди, қўй суруви бор эди (271). У сут ва қаймоқ маҳсулотларининг энг тоза ва сифатлисини танлаб, қурбонликка қўйди (272).

Қобил дехқон эди (273), қурбонлик учун экиндан энг сифатсизини танлади (274).

Бошқа бир ривоятда:

Уларга қурбонликларини олиб бориш амр қилинганида, чорвадор (Хобил) қўйларнинг энг семиз ва чиройлисини чин кўнгиладан танлаб (275), дехқон (Қобил) эса яхшисини ўзи еб, ёмон бугдойидан бир ховуч (276) олиб, кўнгилисиз-истаксиз, қурбонликларини тақдим этмак учун (277) Навз тоғига чиқдилар.

Одам алайҳиссалом ҳам уларнинг ёнида эди.

Хобил билан Қобил қурбонликларини ерга қўйдилар (278)

Қобил Хобилга: “Мен сендан каттаман, мен билан туғилган синглимнинг васийсиман, унга уйланишга сендан лойикман”, -дер эди (279).

Ўша пайтда Хобил 20 ёшда (280), Қобил эса 25 ёшда эди (281). Одам алайҳиссалом Роббисига дуо этди (282).

Давоми келгуси сонда

2. ТИЛГА АЛОҚАДОР ШЕЪРЛАР

“Маданият” калимасининг тимсоли ҳолига келган тил билан боғлиқ шеърлар ёзмоқ шоирлар учун аҳамиятини ҳеч қачон ёқотмагандир. Тил ҳар нарсадан аввал шоирнинг ягона воситаси ва унинг мавжудлиги сабабидир.

Тил бегона идоралар остида яшашга мажбур миллатлар учун эса ҳаёт манбаи бўлган. Чоризм ва Совет даврида яшаган турк қавмлари учун тил ва дин руслаштириш сиёсатига қарши мужодалада илҳом қайноғи (манбаи) эди.

Дин фарқли инончли, эътиқодни ифода этса, тил фарқли миллий

У бир шоир ва ёзувчи сифатида ўз тилининг менсимаслигидан қаттиқ изтироб чекади ва бунга шиддатли бир шаклда қаршилик кўрсатади. У нуфузининг 87 ғойизи ўзбекча гаплашган Ўзбекистонда рус тилининг расмий тил бўлишини алам билан қаршилайди.

1994 йилда ёзган бошқа бир мақолада ҳам рус тилининг Совет Империясида яшаган халқлар зехнига кийдирилган бир кишан бўлганлигини ёзади.

Муҳаммад Солиҳ шуурли бир туркчидир. У ўзи қўлланган тилга - русларнинг турк қавмларини бўлиб - парчалашга мўлжаллаган сиёсатига қарамай- “ўзбекча” де-

Шоир талаффуз этилар экан фалокатга сабаб бўлиши мумкин бўлган сўзлардан “Эрк” сўзини ўрناق сифатида кўрсатади. “Эрк” қисқа бўлганидан талаффузда энг кескин калимадир.

Лекин у ўзи ифода этган сиёсий ва ийтимой маъно тарафдан янада кескинроқ моҳият қозонади. Бу сўзни ёрқин талаффуз этмакнинг сўнгги ўлимга қадар бориши мумкин.

Бунга муқобил шоир “ўлим” сўзини бошқа ҳеч бир тилда учрамаган юмшоқликдаги бир сўз, дея эълон қилади.

Шоир “юмшоқ” сўзига “осон” маъносини юкламақдир. Яъни

МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

мансубиятни тамсил этмақдир. Динимиз бизни баъзи миллат ва қавмлардан айратиб турса, тилимиз бутун миллат ва қавмлардан айратиб турган ягона хусусиятмиздир.

Шоир ва ёзувчиларнинг тилга муҳаббат дараясида боғланиши сабаби шубҳасизки ўз миллатларини ифода этиш орзусидир. Шу боисдан тилнинг миллий ҳаётимиздаги аҳамияти чуқур идрок этган шоир ва ёзувчилар миллатининг байроқлари саналадилар.

Озарбайжон шоири Бахтиёр Воҳобзода умри бегона идора ҳокимияти остида ўтган бир шоир ўлароқ тилни миллатини ифода қилган ягона восита ўлароқ кўради.

Ўзбек шоир ва ёзувчиси Муҳаммад Солиҳ ҳам тилни Бахтиёр Воҳобзодага ўхшаб миллий ҳаётнинг энг муҳим шарт сифатида таърифлайди:

“Тил табиатдир, тил шахсиятдир, тил томиримизда оққан қондир. Мен тилга, она тилимизга ишонаман. Тилнинг табиий қудрати бизни ўзига ром этажак ва Ғарбга ёки Шимолга таклиддан қутқараякдир”

“Озодлик демак ўз тилига эга бўлиш озодлиги, ўз маданиятига, ўз анъаналарига соҳиб чиқиш озодлигидир.”

Мана шу “табиий қудрат” соясида Советлар Иттифоқининг тарқалганидан сўнг турли тилларда гаплашган турли қавмлар - бир неча аср руслаштириш сиёсатига тобе бўлганларига қарамай - миллат бўлиш шуури билан гўё янгидан туғилдилар.

Муҳаммад Солиҳ турли босқичларда қаламга олган мақолаларида тил хусусида ҳам гапирди.

майди, балки “туркий тил” дейди.

Рус тили зўровонлигини “манкуртлаштирма” ўлароқ баҳолаган Солиҳ ўзбек туркчаси билан туркия туркчаси орасида фақат “талаффуз ва янги уйдирилган сўз ва иборалар фарқи бор ҳолос”, дейди.

Муҳаммад Солиҳ туркчанинг ифода қудратига инонган бир шоир. У “Туркий тилда сўзламак” исмли мансур шеърида туркчанинг ҳар турли туйғу ва тушунчани ифода этмак кучига ишончини сўйлайди.

Шоирга кўра, туркча гапиришга қулай, айни пайтда қийин бир тилдир. Севгини ҳам, нафратни ҳам энг гўзал ва энг шиддатли шаклда тасвирлайдиган ягона тилдир.

Туркий тилда сўзламак ...

Туркий тилда сўзламак осон,

Туркий тилда сўзламак

нақадар қийин.

Нақадар лаззатли бу тилда

сўзламак, нақадар аччиқ.

Агар кайфнинг чоғ бўлса,

эрталаб ўнг ёнбошидан турган

бўлсанг, ўтган кундан

пушаймонинг бўлмаса – собит

ишонч бўлса келажакка –

туркийда гапир.

Кимнидир севсанг,

кўксингга сизмаса муҳаббат –

Туркийда гапир.

Кимнидир ёмон кўрсанг,

бўззингга тикилса нафрат –

Туркийда гапир.

(1982)

Шоир бошқа бир шеърида туркчада юмшоқ сўзлар ҳам, кескин сўзлар ҳам ёнма-ён мавжуд эканлигини ёзади. Баъзи сўзлар ханжар каби кескиндир-ки, янглиш қўллансанг, у тилингни дарров тилим-тилим кесади.

“Эрк”дан воз кечолмаган инсон Совет идорасида “осон”гина ўлимга дуч келиши мумкинлигига имо этмақдир.

Аслида, сўзларни бу хусусиятга соҳиб қилган сиёсий тузумдир. Шеър совет идораси остидаги туркларнинг қандай шароитда яшаганларининг бир ойнаси сифатида ҳам аҳамиятлидир: Туркчада сўзлар бор ханжардай ўткирдир,

Бир хато қилсанг бас,

тил дарров тилинар.

Айниқса, бировга

айтмоқчи бўлсанг сир,

Айниқса, ҳайқирмоқ истасанг,

билинар.

Туркчада созлар бор,

ўткирдир найзадай.

Аммо мен биламан

ишимнинг кўзини:

Эрталаб тилимга,

доривор майсадай,

Қўяман “Энглиш”нинг

ўн-ўн беш сўзини.

Ўн-ўн беш сўз ила тузалгач

бу яра,

Қайтадан тилимни

найзага ташлайман.

Энг ўткир сўзларга

мен уни қўярак,

Энг юмшоқ сўзларни

келтира бошлайман.

Мен энди биламан,

энг қадим обида -

“Эрк” сўзи тил учун

энг хавфли калима,

Ва лекин бирор сўз

юмшоқлик бобида

Ҳеч тилда тенг келмас

бу туркча “Ўлим”га.

(1985)

Шоир “Ўзга тилда” номли шеърида ўз ҳаётининг бир нечта калима худудларида жараён этганини ёзади.

Давоми келгуси сонда

ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Бундан ташқари, ўз-ўзини тозаллаган ойналар, қоплама материаллари, девор бўёқлари, рўмол, газмол ва кийимлар ҳам нанопарчалар билан ишлаб чиқарилмоқда.



Оғиз, тери ва нафас йўли билан вужудга кирган нанопарчаларнинг организмни тарқ этмасдан тўқималарда бирикиб, буйракларга катта зарар бергани тасбит этилди. Бундан ташқари, нанопарчалар жонли хужайраларга ўтганида, хужайраларни, айниқса, мия хужайраларини вайрон этиб, генларни мутацияга дучор қилишга қодир эканлигини ҳам кўрдик.

Косметикада ва қуёш кремларида кенг қўлланилаётган титаниумдиоксид ва цинко-оксид нанопарчалари нурга хассосдир, қуёш остида қолган терида ДНК ўзгаришларига олиб келиши мумкин. Терида бир яра бўлса, у орқали қон оқимида кирган нанопарчалар мия, юрак, жигар, буйрак, талоқ, суяк илиги ва нерв тизимида ҳам ўзининг салбий таъсирини ўтказа олади.

Нанопарчалар хужайра ичига кира оладилар, митохондрина ҳароб этиши мумкин, демак, энергия ва протеин ишлаб чиқариш жараёнининг бузилишига, ДНК мутациясига ва хужайранинг ўлишига олиб келиши мумкин. Нанопарчаларнинг энг кўп жигарга, кейин талоққа ёйилгани кўрилмоқда.

Сичқонларга берилган карбон нанопарчанинг буйрак хужайралари ўлимига сабаб бўлиб, янги хужайранинг ўсишига тўсик бўлгани тасбит этилгандир. Ҳолбуки, сув тозалаш системаларида карбон нанопарчалари кенг қўлланилмоқда ва, демакки, сув билан бизнинг организмимизни ишғол этмоқдандир.

Озиқ-овқат саноатида қўлланилган ранглантанирувчи моддаларнинг генотоксик таъсирлари, уларнинг гормонал бузукликлар ва неврологик хасталикларга олиб келиши исботланган. Титаниумдиоксид (TiO₂) дунёда ишлаб чиқарилаётган ранглантанирувчи моддаларнинг 70%ни ташкил қилади.

Бугун ҳар бир кишининг ичимлик ва озиқ-овқатда кунига 300 грамм титаниумдиоксид истеъмол қилгани

тахмин этилмоқда. Нанотехнология саноати чиқиндилар шаклида атроф-муҳитга ташланганида, тупроқ, сув ва микрофлорага катта зарар беради. Бу, ўз навбатида, шундай муҳитда етишадиган озиқ-овқат сифатини ҳам бузади.

Тадқиқотларга кўра, TiO₂ нанопарчалари инсон манийсидаги ҳаракатчанлик ва тифизликка катта зарар беради, тестестероннинг тушишига сабаб бўлади. Хистопатологик топилмаларда TiO₂ нинг маний филофида эпителиум қалинлашувига, мойлардаги қон айланишининг бузилишига ва варикозга сабаб бўлаётгани кузатилгандир.

Бутун бу тадқиқотлар ҳам, TiO₂ нинг жонли организмларга келтириши мумкин бўлган кулфатнинг бутун даҳшатини кўз олдида келтиришимизга қамлик қилади, албатта.

TiO₂ наноўғит сифатида энди зироатда (қишлоқ-хўжалигида) ҳам қўлланила бошлади. Юқорида эслатилган махсулотлардан узоқ туриб, титаниумдиоксид зарарларидан сақланмоқ эҳтимол мумкиндир, аммо унинг зироатда борлиги, ундан сақланишни имконсиз ҳолга келтириб қўймоқда.

Бугун Америка ва Оврупада полиция итларининг тишларига титан қоплама қўйиб, итнинг компьютер орқали бошқармоқдалар. Миялари компьютер тарафидан бошқарилаётган бу ҳайвонлар худди терминаторлар каби кўрқувсиз махлуқдирлар.

Бу нуктада диққатимизни тортадиган нарса - тиш қопламасининг нега айнан титандан қилингандир. Чунки титан нанотехнологик компьютерлар ишлаб-чиқаришда қўлланилган асос моддандир. Бу титандан имплант тиш қўйдирган кишилар ҳам компьютер орқали бошқарилиши мумкинми, деган саволни туғдиради. («Зехн назорати» бўлимига қаранг)

2. Аспартам E-951

Аспартам кенг қўлланилаётган ширинлатувчидир. Бу модда ДНК манипуляцияси, клонлаш, микробил ферментация услуги билан қўлга киритилади. Шоколад, сақич, кетчуп, соуслар, шакарламалар, дорилар, диетик егулик ва ичимликларда қўлланилади.

Озиқ-овқат секторида бошқа номлар остида кўринади, лекин асосан «аспартам», «фенилаланин» ёки «сурел» номлари остида этикетларда билдирилади. Қоришимларда қўлланилганда, «Aspamiks»,

«Aspasvit», «Svitli», «Aspartin», «Evrosvit» ва ҳакозо номлар остида чиқади.

Аспартамнинг 60%ни фенилаланин ташкил қилади. Фенилаланиннинг сунъийси табиийсидан анча кучли бўлгани учун, уни истеъмол қилган кишида бу моддага руҳан ва жисмонан боқимандалик (бангилик) пайдо бўлади.

Фенилаланиндан олинган гормонлар фикрлаш, ўйлаш жараёнига ҳам таъсир қилади. Шу боис, аспартам бангиси бўлган кишилар шоколад емаса ёки аспартамли ичимлик ичмаса, ишлай олмайдиган даражага келиши мумкин.

Жисмоний бангилик, аспартамдаги синтетик фенилаланиннинг метаболизмага дохил бўлиб, панкреас, жигар, тироид беши ва буйрақусти безининг гормон ишлаб чиқариш жараёнига кўшилади. Энг муҳим тироид гормонларидан бўлган тирозин билан панкреас гормони бўлган инсулин фенилаланин воситасида ишлаб чиқилади. Фенилаланин тананинг энг муҳим функцияларини назорат қилади.

Шу сабабли, синтетик фенилаланин қўлланган киши унга тўла боқиманда бўлиб, бангига айланади. Синтетик фенилаланин иштирок этган бутун жараёнлар организмни таҳриб (ҳароб) этишга хизмат қилади.

Оқибатда, хроник хорғинлик, хушдан кетиш, пайларда оғриқ, кўз қовоқларида, лабларда, қўлларда, оёқларда шишув, кунгил айниши, бош оғриғи, бош айланиши, семизлик, безовталиқ, депрессия, тироид ва неврологик хасталиклар, хотирани йўқотиш, спазмлар, эпилептик хуружлар, мияда бузукликлар, жинсий органларда муаммолар, эшитиш қобилиятининг заифлашуви, жигар ва буйрак патологиялари пайдо бўлиши мумкин.

Аспартамнинг мия ғурраси, склероз, эпилепсия, паркинсон, альцгеймер, зехнипаствлик ва диабетга сабаб бўлгани ҳам кузатилган.

Унинг ҳомилаликка, она қорнидаги эмбрионга катта зарар бергани ҳам маълум.

Ойдин СОЛИХ

«Ҳақиқий тиббиёт» китобидан
(Давоми келгуси сонда)

ERKIN YURT

«Эркин Юрт» интернет-газетаси
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt
Мустақил манбааларнинг
маълумотлардан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Камолитдин Йўлдош